



“ТАСДИКЛАЙМАН”
ТАТУ Фаргона филиали директори
А.М.Расулов
“05” 2021 йил

121. СТАЖЁР-ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Стажировка ўтиш жараёнида илмий тадқиқот услубларини эгаллаш, тажриба ўтказиш техникасини ўзлаштириш, ўз ихтисослиги бўйича энг яхши ютуқларни ўрганиш;
- Стажёр-ўқитувчи сифатида стажировка ўтаётган кафедранинг илмий тадқиқот режалари бўйича ишларни олиб бориш;
- Кафедранинг ўқув тарбиявий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ишларида актив қатнашиш;
- Ўқув йили давомида Филиал кенгаши томонидан тасдиқланган ва йиллик иш режасига киритилган дарс соатларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- Ўқув йили давомида ўзининг йиллик иш режасида кўрсатилган давлат гранти ҳамда хўжалик шартномаси бўйича ишлар илмий лойиҳаларда иштирок этишни амалга ошириш ҳамда режалаштирилган илмий, илмий услубий мақола ва бошқаларни эълон қилиш;
- Ўқув йили давомида ўзининг йиллик иш режасида кўрсатилган ўқув услубий ҳамда янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича электрон дарсликларни тайёрлашда кафедранинг профессор ва доцентлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўқув йили давомида ўзининг иш режасида келтирилган маънавий-маърифий ишларни тўлалигича амалга ошириш, маҳаллий ҳокимият ва Филиал томонидан ташкил этилган тадбирларда иштирок этиш;
- Институтнинг моддий техника базасини ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар топиш, Филиалга ҳомийлар ёрдамини жалб этиш бўйича кафедранинг фаолиятида иштирок этиш;
- Филиал жамоат ишларида қатнашиш ва жамоат топшириқларини бажаришни ўз зиммасига олиш;
- Иш берувчининг қонуний буйруқ ва фармойишларини бажариш;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини моҳиятини билиш;

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият хисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Филиал стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2261	Ўқитувчи, ассистент	2320	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра